



Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

23
(768)-son

8-iyun

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

● Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК! ●

Келгусида компьютер "сичқонча"си телефон вазифасини ҳам ўтай бошлайди. Sony корпорацияси муҳандислари томонидан кашф қилинган янги "сичқонча"дан Skype абонентлари нафақат "электрон кемирувчи", балки телефон гўшаги сифатида фойдаланишлари мумкин бўлади. Мазкур "сичқонча" очилиб-ёпилувчи қурилма бўлиб, ёпилганда "сичқонча"га, очилганда телефонга айланади. Унинг сотувга чиқишига ҳали биров вақт бор. Шунинг учун нархи ҳақида гапиришга эрта.



Ушбу сонда:

**KISDI
ДЕЛЕГАЦИЯСИ
ТАШРИФИ**

2-БЕТ ➔

**ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ҲУҚУҚЛАРИ
БУЗИЛГАНДА...**

4-БЕТ ➔

**ВНИМАНИЕ,
КОНКУРС!**

6-БЕТ ➔

**ҲАР ИККИНЧИ
ТЕЛЕФОН
ХИТОЙНИКИ**

11-БЕТ ➔

**ФИЛАТЕЛИСТЛАР
КИМЛАР?**

16-БЕТ ➔



XXI асрнинг электрoвабоси


Бош оғриғи, парижонхотирлик, хотира сушлашиши, ташналик ва кулоқдаги шовқинлар – булар XXI асрнинг янги касаллиғи белгилари. Ушбу хасталикни олимлар ҳозирча "Электрoмагнит таъсирчанлиғи синдроми (EHS)" деб аташмоқда. Уларнинг фикрича, бу касалликни келтириб чиқарувчи восита – тобора кенг тарқалиб бораётган юқори технологиялар ҳисобланади.

3-БЕТ ➔



UzNet
Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернетни

JUMADAN — JUMAGACHA

● HAMKORLIK UFQLARI

✓ Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов 5 июн куни пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Ҳазрати имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида бу ерга ташриф бурди. Ушбу мажмуада ниҳоятда қисқа мuddат — 4 ой мобайнида жуда катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва кўчаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Юртбошимиз ушбу мажмуани барпо этишда жонбозлик кўрсатган қурувчи ва муҳандислар, қўли гул усталар, шу савобли ишга ҳисса қўшган барча инсонлар меҳнатига юксак баҳо бериб, уларга халқимиз номидан миннатдорлик билдирди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 июн куни Оқсаройда Қувайт Давлати Бош вазирининг уринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳни қабул қилди.

✓ Матбуотда “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамга тайёргарлик куриши ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори чоп этилди.

✓ Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан “Навқирон Самарқандга таъзим” деб номланган фольклор-этнографик жамоаларнинг республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Фестивал Шердор мадрасида ниҳоясига етди. Олий уринга Навоий вилоятининг “Сардоба” фольклор-этнографик жамоаси сазовор бўлди. Самарқанднинг “Чавқи” ва Сурхондарёнинг “Булбулугўё” фольклор-этнографик жамоалари биринчи уринга лойиқ қўрилди.

✓ Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс маркази 82 номдаги 3700 дан ортиқ янги китоблар билан бойиди. Уларнинг умумий қиймати 13 миллион сўмдан зиёддир. Айни пайтда ушбу зиё маскани таъмирланиб, 15та компьютер ва бошқа жиҳозлар келтирилди. Интернет тармоғига уланган компьютерлардан талабалар бепул фойдаланмоқдалар.

✓ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига бутунги кунда Марказий Осиёда ягона бўлган электрон кутубхона очилди. Мазкур кутубхона яратиш лойиҳаси Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг техникавий ва молиявий кўмаги асосида рўёбга чиқарилди. Бунинг учун агентлик 850 минг АҚШ долларига тенг грант ажратди.

KISDI делегацияси ташрифи

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Корея ахборот жамиятини ривожлантириш институти (KISDI) билан ҳамкорликда «CERT соҳаси сиёсати бўйича маслаҳатлар» лойиҳасини амалга оширишни бошлади. Лойиҳанинг ижрочи ҳамкори Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциацияси ҳисобланади.



KISDI экспертлар гуруҳининг Ўзбекистонга ташрифи лойиҳанинг биринчи босқичини бошлаб берди. Ташриф доирасида корейлик мутахассислар Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ривожланиш истиқболлари ва яратилган шарт-шароитлар, CERT миллий жамоаси ишининг ўзига хос хусусиятлари билан танишишди. Шунингдек, IT-соҳасининг турли корхоналари вакиллари билан бевосита алоқа ўрнатилди. Жумладан, лойиҳани амалга ошириш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида Корея делегацияси Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Uzinfocom маркази, “Ўзбектелеком” АҚ, UzNet, Sankor Telecom, East Telecom ва бошқа корхоналарда бўлишди.

Амалга оширилаётган қўшма лойиҳанинг аҳамияти шундаки, CERT миллий жамоасининг компьютер билан боғлиқ нохуш ҳоҳисаларга тезда жавоб қайтариши ва умуман, мамлакатда ахборот хавфсизлиги сиёсати бўйича келгуси фаолиятни такомиллаштириш юзасидан Корея томони маслаҳат ва тавсиялар бериб боради. Ўзбекистонлик мутахассисларнинг Кореяда касб малакаларини оширишлари ҳам режалаштирилган.

Шу йилнинг 1 июн куни лойиҳа иштирокчиларини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Ҳўжаев қабул қилди. Учрашувда корейлик мутахассислар сафар мобайнида амалга оширилган ишлари тўғрисида ахборот беришиб, Ўзбекистонда АКТ ривожланиш даражаси юқори поғонада эканлигини билдиришди ва кўрсатилган меҳмондўстлик учун ўз ташаккурларини изҳор этишди.

Шоймардонхон ака дунё кезган киши. Гоҳ хизмат бурчи тақозоси, гоҳ саёҳат билан турли мамлакатларда бўлган. Қувонарлиси, сафар давомида бирон дақиқа бошга кийган дўпписини ташламаган. Унинг айна шу бебаҳо фазилати қай манзилга бормасин, ўзбеклигини билдириб туради.



“Дўппи — элим кўрки”

— дейди Шўрчи почта алоқаси тармоғининг 2-Хушчекка алоқа бўлими бошлиғи, “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил” эсдалик нишони соҳиби Шоймардонхон Абдуллаев.

— Дўппи чиндан-да элимиз кўрки, — дейди Шоймардонхон Абдуллаев — ўтмишдан нолишга ҳақимиз йўғу, аммо собиқ шўролар даврида бу миллий либосимиз қадрини анча тушириб қўйган эдик. Шукрим, мустақиллик ўзигимизга қайтиш имконини берди. Янгангиз ўзи тиккан дўппини бошимга кийдирган чоғда ёруғ олам гашти шунчалик ширин туюлганки, уни таърифлаш учун шоир бўлиш керак...

Шоймардонхон аканинг шундай бошлаган мустақил ҳаёти қарийб қирқ йилдан буюн бўстондай яшнаб турибди. Фарзандлари орзу қилгани каби меҳнатни ва туғилиб ўсган юртини севиб воғна етди. Турмуш ҳам шу ҳалол меҳнат туфайли чиройли бўлмоқда.

“Сохибкор” кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Лайлакхона маҳалласи кейинги йилларда анча кўркамлашди. Ободлик йўлида қилинган ишларда Шоймардонхон аканинг муносиб ҳиссаси бор. Дарвоқе, у икки бор Сурхондарё вилоят кенгаши депутатлигига сайланди. Бу даврда Полвонтош ва Лайлакхона маҳаллалари болалари учун 930 ўринли замонавий мактаб ишга туширилди. Хушчеккалик сайловчилар талабига биноан кўприк қурилди. Тўртта артезиан қудуғи қазилиб, ҳар иккала маҳалла аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Кишлоқ врачлик пункти ва иккита тиббиёт шахобчаси бунёд этилди. Шу билан бирга, Шўрчи-Дазара, Денов-Дазара йўналишларида автобус қатнови йўлга қўйилди.

Аслини олганда, эл учун бундай савоб ишларни қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Аввало улар-

нинг дарди билан яшаб, ҳақли талабларини вакил сифатида тегишли жойга етказиш учун кишида журъат ва лаёқат бўлмоғи зарур. Ҳанда Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг наватдан ташқари сессияси якунланиш арафасида эди. Депутат Шоймардонхон Абдуллаев шўрчилик меҳнаткашларни ўйлантириб турган муаммолар ёзилган хатни минбарга етказди. Давлатимиз раҳбари ўқиб чиққач, “Абдуллаевнинг ўзи шу ердами?!” дегандай залдагиларга юзланди. Шоймардонхон ака ўридан турар экан, бутун вужудини чуқур ҳис-ҳаяжон қоллаганини сезди. “Гурури бор кишига дўппи ҳам, белбоғ ҳам ярашади, — деди мамлакат Президентини Ислам Каримов. — Отангизга раҳмат, сиздай элнинг дарди билан яшайдиган довурак депутатлар кўпайиши тарафдориман...”

“Бу хатни бера кўрманг, акс ҳолда сизга қийин бўлади”, деганлар уялиб қолишди. Сессиядан кейин депутат мактубидаги муаммолар ўрганиб чиқилиб, кўпи ижобий ҳал этилди. На тижда халқнинг Шоймардонхон акага ишончи яна ошди.

...Почта соҳасида нақд ўттиз йил ишлаб, нафақага кузатилаётган Жўрабобо Хўжақуловдан “Урингизга кимни номзод қилиб кўрсатасиз”, деб сўрашди. Даставвал, у мутасаддиларга маслаҳатлашгани учун миннатдорчилик сўзларини айтди. Сўнгра ҳеч иккиланмасдан Шоймардонхон Абдуллаевга ишонч билдирди. Шу тарзда таклиф инobatга олинди. Ҳақ икки йилдирки, Шоймардонхон ака 2-Хушчекка алоқа бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу шахобча Полвонтош ва Лайлакхона маҳаллаларига хизмат кўрсатади.

Худуднинг бирига Панжи Сафаров, иккинчисига Зиёдулла Рўзатов хабарчи этиб тайинланган. Ҳамкасблар олти ярим минг аҳоли истиқомат қилаётган оилаларга борганларида, фаолиятларини ширинсухан муомала билан бошлашга одатланишган. Айниқса, 487 нафар пенсия онер орасидаги 8 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хурмати ўрнига қўйилмоқда.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиалига қарашли Шўрчи почта алоқаси тармоғида 18та алоқа бўлими бор. Тармоқ раҳбари Шайдулла Пардаевнинг айтишича, Шоймардонхон ака бўлим бошлиқларининг энг ёши улуги ҳисобланади. Шу боис, шоғирдлар унинг тажрибасидан ўрганишга, панду насихатларига амал қилишга интилиммоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мустақиллигининг 16 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қарори биз почта алоқаси ходимларини ҳам қувонтириб юборди, — дейди Ш.Абдуллаев. — Бугун барча юртдошларимиз қатори “Шу азиз Ватан барчамизники!” туйғуси билан энг улуг, энг азиз байрамга ҳозирлик кўряпмиз. Миллий қадриятларни тиклаш ва англаш доимий диққат-эътиборимизда турибди.

Шўрчилик Шоймардонхон ака доғриломон кунлар қадрига этиб, эртанги кун иқболини кўзлаган юртдошларимиздан бири. Зеро, у истиқлол байрамида фаол иштирок этиш баробарида муборак ҳаж сафарига йўл олишни ҳам кўнглига тугиб қўйибди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

TAQDIMOT

Маркаларда тарих нафаси

“Тошкент почта-ти” филиалида юртимиз тарихий обидаларига бағишлаб чиқарилган почта маркалари тақдимоти ва уларни махсус хотира тамгалари билан сўндириш маросими ўтказилди.



шоотлар мавжуд экан. Боболаримизнинг чексиз заковатию қудрати билан барпо бўлган обидалар бизни беихтиёр кўҳна тарих томон етаклайди, буюк ишларнинг нуносиб давомчилари бўлишга ундайди. Дарҳақиқат, ўз ўтмиши билан фахрлана оладиган инсонларгина буюк ишларга қодир.

“Ўзбекистон почтаси” очик акциядорлик жамиятининг “Ўзбекистон маркаси” филиали томонидан Тошкент, Бухоро, Хива ва

Кўкон шаҳарларидаги архитектура ёдгорликларига бағишлаб чиқарилган “Ўзбекистон архитектураси” почта маркалари тўплами жами 12 почта маркаси ҳамда 4 купондан иборат. Уларда Тошкент шаҳридаги Юнусхон мақбараси, Бароқхон ва Абулқосим мадрасалари, Бухоро шаҳридаги Чор Бақр меъморий мажмуаси, Мир Араб ва Модарихон мадрасалари, Хива шаҳридаги Қўшдарвоза, Пахлавон Маҳмуд мақбараси, Мухаммад Раҳимхон мадрасаси, Кўкон шаҳридаги Хундоёрхон саройи, Даҳмаи Шохон мақбараси ва Норбўтабий мадрасаси акс эттирилган. Купонлар ҳар бир шаҳарга хос нақшлар билан безатилган. Тошкент, Бухоро, Хива ва Кўкон шаҳарларининг тарихий обидалари тасвири туширилган махсус хотира тамгаларида ҳар бир

шаҳарнинг архитектура иншооти лавҳаси тасвирланган. Езувлар ўзбек тилининг лотин алифбосида ифодаланган.

Этиборли томони, почта маркалари тўпламини махсус хотира тамғаси билан сўндириш маросими илк бор бир вақтнинг ўзида — 1 июн куни соат 10.00дан бошлаб Тошкент, Бухоро, Хива ва Кўкон шаҳарларида ўтказилди. “Тошкент почта” филиалида ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асаджон Хўжаев, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бош директори Рустам Қосимов, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон филателистлар жамиятидан меҳмонлар иштирок эттишди.

Собит АҲАДОВ

Шунингдек, халқимизнинг атоқли адиби Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб тайёрланган почта маркалари ҳам муомалага чиқарилди.

Бунёдкорлик, шаҳарсозлик бизга қадим аждодларимиздан мерос. Маълумотларга кўра, юртимизда ҳозирда 10 мингга яқин тарихий аҳамиятга эга ин-

Хива шаҳрида ҳам тарихий обидалар тасвири туширилган янги почта маркаларини сўндириш тадбири бўлиб ўтди. Хива тумани ҳокими Давронбек Оллақулиев тадбирни очар экан, кўпчилик почта маркаларини йиғиш билан шугулланиши, бундай санъат асарига барчага завқ бағишлаши, почта маркаларида Хиванинг тарихий обидалари жой олган экан, улар хат орқали дунё бўйлаб тарқалиши ва барча халқлар чиройли меъморий обидаларга бой бу юртни таниши, уни ўз кўзлари билан кўриш истагида албатта кўҳна заминга ташир бу юришини таъкидлади.


“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ почта алоқасини ташкил қилиш бўлими бошлиғи Гўзал Абдулазизова йиллар ўтган сайин маркалар кадр-қиймати ошиб бораверишини, халқларни яқинлаштириши ва бирлаштириши, у дўстлик элчилари эканлиги ҳақида гапирди.

Тадбирда алоқа корхоналари раҳбарлари, кенг жамоатчилик иштирок этди. Тадбир сўнгига меҳмонлар Хивадаги алоқа музейини томоша қилдилар.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,

“Хабар”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

СУРАТДА: Хива шаҳрида ўтказилган тадбирдан лавҳа.



Яқинда Кўкон шаҳар почта алоқаси тармоғида ҳам “Ўзбекистон архитектураси” почта маркалари туркумидан ўрин олган Кўкон шаҳар архитектурасига бағишланган почта маркаларини махсус сўндириш тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали директори вази-фасини бажарувчи Набижон Араббоев ва Кўкон шаҳар ҳокимининг ўринбосари Аббосхон Маҳмудовлар сўзга чиқдиши.

Маросимда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ вакиллари, Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқлари бошлиқлари, Кўкон шаҳар почта алоқаси тармоғи ишчи ва ходимлари, журналистлар иштирок этдилар.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

11-асрнинг электровабоси

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг электромагнит тўлқинларининг инсон миёсига таъсирини жиддий ўрганмоқда. Белгиялик бир гуруҳ педиатр-шифокорлар узок изланишлардан сўнг шундай хулосага келишди: мобил телефонлардан нурланиш бола миёсининг ривожланиши қийинлаштиради. Шу сабаб олимлар 16 ёшгача бўлган болаларни мобил алоқасидан фойдаланишини тақиқлаш керак, деган тўхтамга келишди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари мобил телефонларидан чиқадиган электромагнит тўлқинларини иситиш воситаларининг ишлаш тизимига тақослашмоқда. Инсон организмнинг 80 фоизи сувдан иборат ва у электромагнит нурлари таъсирида микротўлқинли печда овқат қизигани каби буғланади. Уяли телефонда гаплашилган ҳар ўн дақиқа тана ҳароратини бир даражага оширади. Шу тарзда қулоқда ушлаб турилган телефон аппарати бош миёя айрим қисмларининг буғланишига олиб келади. Миёя физикаси масалалари бўйича мутахассис Либрихт фон Клитцинг фикрича, бунинг оқибатида бош оғриғи, парижонхотирлик, хотира сустлашиши, ташналик, қулоқдаги шовқинлар каби асоратлар юзага келиши мумкин.

Айтиш лозимки, бу – техник тараққиёт асоратларининг илк оғоҳлантиришлари эмас. Ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ электр майдонининг инсон организмга таъсири тадқиқ этила бошланган. Аслида 50 Гц частотагача бўлган электромагнит тўлқинлари инсон соғлиғига таъсир этмаслиги тадқиқотлар давомида ўз тасдиғини топган бўлса-да, айрим таъсирчан одамларда шунинг асоратлари ҳам яққол кўзга ташланади. Юқори қучланишли электророзатиш тармоқлари атрофида яшовчиларнинг айримларида турли хил асаб касалликлари учрайди. Бош оғриғи, тез чарчаш, хотирани йўқотиш, уйку ва юрак фаолиятининг бузилиши, иммунитетнинг пасайиши, аллергия ва руҳий хасталиклар электромагнит майдонларига юқори таъсирчан бўлган кишиларни доим безовта қилиб келади.

1990 йилларнинг ўрталарида Буюк Британияда ушбу масала кенг миқёсда ўрганildi. Мутахассислар 15 ёшгача бўлган 29 минг нафар боланинг тиббий дафтарчасини текширувдан ўтказишди. Текширишлар натижасида туғилганидан буён юқори қучланишли электророзатиш тармоқларидан 200 метргача узокликда яшаган болаларда оқсон касаллигига учраш хавфи 70 фоиз, 200дан 600 метргача узокликда яшайдиганларида эса 20 фоиз эканлиги аниқланди.

Айрим тадқиқотчилар эса ушбу касалликларнинг юқори қучланиши линиялар, компьютер ва мобил телефонлардан чиқадиган электромагнит нурлари билан алоқаси йўқ деб ҳисоблашади. Шундай бўлса-да, ўтган асрдаёқ электромагнит майдонида канцероген (рак касаллигини юзага келтирувчи) моддаларнинг фаолаштиши аниқланган. Демак, электромагнитнинг салбий оқибатлари мавжудлиги бор гап, лекин бу биологик жиҳатдан ҳали аниқ исботлаб берилгани йўқ.

Сўнгги йилларда Британиянинг Эскесс

университети ходимлари “электромагнит таъсирчанлиги синдроми” устида жиддий изланишлар олиб бормоқда. Тадқиқотларнинг бирида 264 нафар кўнгилли иштирок этди. Тажриба раҳбари профессор Стеси Элтитининг билдиришича, синов пайтидаёқ айрим кишиларда касаллик аломатлари кўзга ташланган. Афсуски, диққатни жамлашнинг сусайиши, хотира билан боғлиқ муаммолар, бош оғриғи, бошининг қизиб кетиши ва бошқа сабаблар инсонларда бугунги куннинг оддий ҳолатига айлиниб бормоқда. Бирок айрим кишилар бу аломатлар оқибатида ўз ишини ва яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлмоқда.

Тажрибалар давомида кўнгиллиларнинг ярми мобил телефонда кўпсоятлик сўзлашувлардан сўнг турли оғриқларни бошдан кечиргани аниқланди. Ҳатто улардан бирининг компьютер мониторига фақат махсус дурбин ёрдамида қарай олиши кузатилган. Шу сабаб бу бемор мобил телефондан фойдаланиш у ёқда турсин, кўчага чиққанида уяли алоқа антеннаси тўлқинидан ҳимояланиш учун махсус бош кийими кийиб юришга мажбур.

Хорижда компьютер, мобил аппарати, микротўлқинли печ ва бошқа технологиялар олдида саноқли дақиқа ҳам тура олмайди-ган беморлар сони кундан-кунга ошиб борапти. Ҳатто симсиз Wi-Fi-тармоғи мавжуд бўлган дўконга кириш ҳам уларга муаммо туғдиради. Бундай синдромига чалинганлар орасида Норвегиянинг собик бош вазири, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош котиби Гро Харлем каки машҳур инсонларни ҳам учратиш мумкин.

“Электромагнит таъсирчанлиги синдроми” бугунги кунда мавжуд касалликлар расмий рўйхатига киритилмаган. Сабаби, бу йўналиш шифокорлар томонидан етарлича тадқиқ қилинган йўқ. Кўп ҳолатларда юқорида тилга олинган аломатлар шамоллаш оқибатида юзага келган, деган ташхислар кўйиб келинади. Бирок жаҳон олимлари XXI асрнинг электровабоси — “Электромагнит таъсирчанлиги синдроми” мавжудлигини аста-секин тан олишмоқда.



Лутфилло ТУРСУНОВ

XALQARO HAYOT

ИСПАН МЕРОСИ
УЧУН КУРАШ

Испанлар 17 асда йўқолган ва жорий йил май ойи бошларида америкалик денгиз хазина изловчилари томонидан топилган бойликларни суд орқали қайтариб олишмоқчи.

Merchant Royal дея тахмин қилинаётган Британия кемасини Американинг Odyssey Marine Explorers компанияси экспедицияси Корнуолла қирғоқларидан топишга муваффақ бўлган. Odyssey Marine Explorers раҳбарининг айтишича, инглиз кемаси бортида тахминан 500 млн. долларлик 17 тоннадан ортиқ олтин ва қумуш тангалар бўлган.

Британиялик етакчи денгиз тарихчилардан бири Ричард Лэрнинг фикрича, 1641 йилда чўкиб кетган Merchant Royalни ўша пайтда Америкага қарши уруш олиб бораётган Англия Испаниядан қўлга киритган бойликлар билан тўлдирган эди.

КАШАНДАЛИККА
ҚАРШИ ҚОНУН

Эстонияда 2005 йили қабул қилинган тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги қонун 5 июндан қучга кирди.

Энди мазкур ҳужжатга кўра, мамлакатдаги барча жамоат жойлари – ошхоналар, рестороанлар, аҳоли фойдаланадиган йўлаклар ҳамда автобус бекатларида, шунингдек кўп қаватли уйлар олдида чекиш қатъий ман этилади. Бунга амал қилмаган юридик шахслар икки минг еврогача, жисмоний шахслар эса 77 еврогача жаримага тортилади.

ҚУРБОНЛАР СОНИ
ОРТМОҚДА

Ироқда жорий йилнинг май ойида 112 америкалик ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди.

Бу Америка контингентини учун ўтган йилнинг декабр ойидан кейин содир бўлган қонли ой сифатида тарихда қолди. Ушанда 113 нафар АҚШ ҳарбийси вафот этган эди. Умуман олганда, Ироқда ҳарбий амалиёт бошлангандан буён Америка Қўшма Штатлари ўзининг 3454 ҳарбийсидан айрилган. Яқинда жангарилар 12 май кўни Махмудия шаҳрида гаровга олинган америкалик уч ҳарбийнинг қатл этилганини маълум қилди.

Шунингдек, Ироқда Буюк Британиянинг – 149 нафар, Италиянинг – 33, Поляшнинг эса 20 нафар аскарни ноқуд қилган.

ХАЛҚАРО ТРИБУНАЛ
ЖАЗО БЕРАДИ

Ливан собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририйнинг қотили халқаро трибуналда суд қилинади.

Бу БМТ Хавфсизлик кенгашида овозга қўйилган ва кўпчилик овоз билан маъқулланган. Қотилликни ташкил этишда айбланаётган суриялик тўрт генерал устидан ҳисобот тайёр бўлган. Трибунал ташкил этишга Сурия томони ва Ливандаги уларни қўллаб-қувватловчи кучлар қаттиқ қаршилик кўрсатмоқда.

ДУНЁНИНГ НУФУЗЛИ
КОМПАНИЯЛАРИ

АҚШда чоп этиладиган The Fortune журнали дунёдаги энг нуфузли 50та компания рўйхатини эълон қилди.

Ушбу рўйхатни тузиш учун дунёнинг ўттизга яқин мамлакатдаги 1500дан ортиқ топ-менежерлар фикрлари ўрганилди. Респондентлар компанияларга янги технологиялардан фойдаланиши, бошқарув самардорлиги, молиявий хавфсизлиги, маҳсулот ва хизматлар сифати каби жиҳатларига кўра баҳо беришди.

Шундай қилиб, сайёрамазининг энг нуфузли 50 компанияси қаторидан Американинг 35та, Япониянинг беш, Буюк Британиянинг уч, Германиянинг иккита ҳамда Франция, Финляндия, Швейцария, Сингапур ва Жанубий Кореянинг биттадан компанияси ўрин олган.

Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади



DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Андижон вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан «Матбуот уюшмаси» МЧЖ ва унинг бўлимларида текшириш ўтказилди.

Истеъмолчилар
ҳуқуқлари бузилганда...

Текшириш якунлари кўрсатишича, «Матбуот уюшмаси» МЧЖ ва унинг бўлимлари фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан тўла таъминланмаган, вилоят ҳудудига даврий нашрларни етказиб бериш жадвали тузилмаган, текширув ўтказилган бўлимлар ва Андижон шаҳар бўлимига қарашли 5, 13-сонли, Олтинкўл бўлимининг 1, 2-сонли матбуот дўконлари истеъмолчилар эътиборига зарур маълумот ва эълонларни тўлиқ етказмаган. Бундан ташқари, текшириш жараёнида айрим матбуот дўконларига турли даврий нашрларни эълитиб беришда узилтиш ҳолатлари мавжудлиги, чунончи, Андижон шаҳар бўлимига қарашли 23-дўконга 2007 йил 10 мартда етказилиши керак бўлган 5 дон «Халқ сўзи», 3та «Народное слово», 7та «Правда Востока» газеталари 2007 йил 13 мартга ҳам олиб бериб берилмаганлиги аниқланди.

Мавжуд камчиликларни инобатга олган ҳолда Андижон шаҳар бўлими бошлиғи А.Аҳмадхонов маъмурий жавобгарликка тортилди ва ундан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс

си 153-моддасига мувофиқ 24840 сўм миқдорда жарима ундирилди.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва Давлат алоқа инспекцияси томонидан кўчма радиолоқа ускуналари орқали қонунга ҳилоф равишда таксофон хизматлари кўрсатилишининг олдини олиш юзасидан Андижон тумани ҳудудига рейд ўтказилди.

Рейд жараёнида тумanning Куйганёр шаҳарчаси марказидаги бозор ҳудудига жойлашган 3-сонли матбуот дўконига фуқаро Отабек Оқибоев ва Усмон Юсупов кўчаси, 1-уйда яшовчи фуқаро Комилжон Қодировлар томонидан кўчма радиолоқа телефони орқали аҳолига ноқонуний равишда таксофон хизмати кўрсатилаётганлиги аниқланди ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда чора кўриш учун Андижон тумани Давлат солиқ инспекциясига тегишли хат юборилди.

«Вилоят ҳудудига радиочастота спектри, радиоэлектрон воситалар (РЭВ) ва юқори частотали қурилмалар (ЮЧК)дан ноқонуний фойдаланишининг олдини олиш бўйича ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режасига асосан Давлат алоқа инспек-

цияси, Ички ишлар бошқармаси ва Электроманит мослашув марказининг вилоят бўлинмалари томонидан 6 марта рейд ўтказилди. Рейдлар жараёнида ноқонуний фойдаланилаётган 32та РЭВ аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-моддаси 1-бандига асосан мансабдор шахс (Т.Содиқов)га 62100 сўм миқдорда жарима солинди.

Бундан ташқари, Андижон шаҳар прокуратурасининг хатига асосан шаҳарнинг 4-кичик даҳасида жойлашган «Андижон вилояти кабел телевидениеси» МЧЖнинг «СТВ» кабел студиясида кабел телевидениеси хизматлари кўрсатиш учун мўлжалланган «Beta tv com» русумли модулятор ва узаткичларни маҳсус рухсатномасиз ўрнатиб, ундан фойдаланганлиги аниқланди ва «Андижон вилояти кабел телевидениеси» МЧЖ директори Х.Ҳабибовга ҳамда «СТВ» кабел студияси раҳбари С.Қулликковга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-модда 1-қисмига асосан 62100 сўмдан жарима солинди.

Андижон вилояти ДАИда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг бўзилишига ва истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда муурожаат қилишлари учун ташкил этилган 24-01-11 рақамли «Ишонч телефони» хизматига жорий йилнинг 1-чораги мобайнида утга муурожаат тушди. Бу муурожаатларнинг барчаси маҳаллий телефон алоқаси бўйича бўлиб, белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди ва ихобий ҳал қилинди.

А. МАМАСОБИРОВ,
Андижон вилояти ДАИ
бошлиғи вазифини
бажарувчи

TATU FILIALLARIDA

Ахборот-ресурс маркази истиқболи

Олий ўқув юртлари фаолиятини ахборот-ресурс марказларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ТАТУ Фарғона филиали иш тажрибасида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Филиал ташкил этилган дастлабки кунлардан бошлаб ўқув адабиётлари захирасини барпо этиш учун қилинган сайёҳаракатлар кейинги йилларда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ҳозирги кунга келиб, бакалаврият ва магистратура йўналишлари учун зарур бўлган ўқув адабиётларининг электрон шакллари ва қўлланмалари етарли даражада тўлланиб, ўқув жараёнида фойдаланилмоқда. Айниқса, С.Қосимовнинг «Ахборот технологиялари» ўқув қўлланмаси, Л.Эшқобилоннинг «Интернет-ахборот кидируви», С.Рўзимовнинг «Компютер саводхонлиги», Ш.Андерсон ва бошқаларнинг «UGS-I-DEAS NX SERIES дас-

тур мажмуаларида автоматик лойиҳалаш асослари», Д.Кнутнинг «Искусство программирования», А.Эндрюнинг «Искусственный интеллект», А.Ерофеевнинг «Интеллектуальные системы управления», Т.Малцеванинг «Информатика ва математика» каби китоблари ахборот технологиялари бўйича атрофлича билим олишда талабаларга муҳим манба сифатида хизмат қилмоқда.

Ҳозир кутубхонамиздаги мавжуд адабиётлар ИРБИС дастури бўйича қайта рўйхатга олинмоқда. Бу дастур олдинги картотека тизимига нисбатан қулай бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга зарур адабиётларни топиш ва

улардан фойдаланишни анча осонлаштирмоқда. Бугунги кунда филиал кутубхонасидаги электрон дарслик ва китоблардан 800 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар ва талабалар унумли фойдаланмоқдалар.

Бу йил кутубхонамизда 2007 йил учун газета ва журналларга обуна қилиш ишларига ҳам жиддий аҳамият берилди. Масалан, 41 номдаги марказий ва вилоят газета-журналларига обуна қилинди.

Айни пайтда кутубхонамиз фондидини янада бойитиш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун зарур электрон дарслик ва қўлланмаларни кўпайтириш, уларга замонавий хизмат кўрсатиш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш йўлида меҳнат қиляпмиз.

Х.АРИПЖАНОВА,
филиал АРМ директори

ОРОМГОХ КУЧОҚ ОЧДИ

Наманган вилоятининг энг сўлим ва хушманзара худудида жойлашган Нанай қишлоғидаги "Еш алоқачи" болалар оромгоҳи алоқачилар фарзандларининг шодон кийкирлари билан тўлди.

Оромгоҳни мавсумга тайёрлаш катта ҳашарга айлиб, бу хайрли ишда "Наманган Телеком" филиалининг қурилиш-таъмирлаш бригадаси аъзолари ҳамда шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари ходимлари фаол иштирок этишди. Уларнинг ҳиммати билан оромгоҳнинг атрофлари тўсиқ деворлар билан мустаҳкамланди. Иккита ётоқхона тўлиқ таъмирланди, чўмилиш ҳавзалари, спорт майдончалари қайтадан қурилди.

Оромгоҳда дастлаб 160 нафар болажонлар дам олишади, кейинги навбатда эса улар билан бирга кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ҳам дам олдириш кўзда тутилган.

Баҳодир БОЛТАБОВЕВ,
Наманган вилояти алоқачи
ходимлари бирлашган
касаба уюшмаси
қўмитаси раиси

NISHONDORLARIMIZ

1983 йили Тошкент электротехника алоқачи институтини тугатган Мийригул Ережапова фаолиятини Тошкент шаҳар телефон тармоғининг абонент бўлимида ишлашдан бошлади. У анча йил 35-АТСда муҳандислик қилди.

Меҳнат қадрлари



— Менга хунар ўргатган муҳандис, биринчи устозим Анна Навратни фахр билан эсламан, — дейди М.Ережапова биз билан суҳбатда. — У менга алоқачининг сир-асрор-

ларини чидам билан ўргатди. Шаҳар автомат телефон станцияларида маҳорати ортган Мийригул 1989 йили туғилиб ўсган Қорақалпоғистонга қайтиб, Нукус шаҳридаги 2-АТС,

"Ўроқ-Болға" қўрғонидидаги 6-АТСК, 1995-2003 йилларда 222-АТСКда муҳандис вазифасида ишлади. 2004 йилда эса кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган мутахассис сифатида у Қорақалпоғистон Давлат алоқачи инспекциясига ишга тақлиф қилинди.

Бундай қараганда, инспекция иши фақат камчиликларни аниқлашдек бўлиб кўринади. Амалда эса у чуқур назарий билимларни амалиётда тўғри қўллаб, хато ва камчиликларни тугаллаш учун астойдил ҳаракатни талаб қилади. Бунинг учун барча меъёрий ҳужжатлар билан таниш бўлиш, алоқачи соҳасида юз бераётган янгиликлар ва ўзгаришларни билиб бориш зарур. М.Ережапова билан жуда яхши билган ҳолда иш олиб боради.

Мийригул — бахтиёр она. Турмуш ўртоғи, қурилиш соҳаси бўйича муҳандис Сабит Шелмуханов билан уч нафар фарзандни вояга етказмоқда.

Алоқачилар касб байрами муносабати билан бир гуруҳ илгир алоқачилар қаторида Мийригул Ережапова Агентликнинг "Ўз касбининг устаси" белгиси билан тақдирланди. У меҳнати қадр тоғанидан мамнун.

Раҳимжон БОЛТАБОВЕВ,
«Хабар»нинг Қорақалпоғистондаги мухбири

BIR VILOYATDAN IKKI XABAR

БОЛАЛАР ВАХШИВОРГА БОРИШАДИ

"Ўзи-Термиз" филиалида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан турли тадбирлар белгиланган. Жумладан, ходимларнинг фарзандларини ёзги соғломлаштириш ва дам олиш масканига жалб этиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ўтган йили 50 нафар бола оромгоҳда бўлишган эди. Жорий йилда ҳам шунча ўғил-қиз Вахшиворга боришади.

— Ҳадемай фарзандларимдан икки нафарини ёзги оромгоҳга кузатаман, — дейди филиалнинг тажрибали телефониши Киризов. — Шундай имтиёзли имконият яратиб бергани учун филиалимиз раҳбариятига ва бошланғич касабга уюшмаси қўмитасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Таъкидлаш керакки, Олтинсой туманидаги сўлим ва хушманзара Вахшивор қишлоғида болаларни соғломлаштириш ва мароқли ҳордиқ оишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган.

ЁЗУВЧИ ЁДГА ОЛИНДИ

Сариосиё иқтисодиёт касб-хунар коллежининг ахборот ресурслари марказида таниқли адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказилди. Унда юз нафардан зиёд адабиёт ихлосмандлари иштирок этишди. Таалаб ёшлар ёзувчини ёдга олиш билан бирга унинг "Тобутдан товуш" асари асосида сахна кўриниши намойиш қилишди. Шунингдек, Абдулла Қаҳҳор асарлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Юбилейолди тадбирини ўтказишда коллеж ахборот ресурслари маркази раҳбари Хурमतой Султонованинг хизмати катта бўлди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

2007-YIL — IJTIMOIIY NIHOYA YILI

Саховат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни навойликлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар.

"Ўзбектелеком" АКнинг "Навоний Телеком" филиали ҳам ана шу хайрли ҳаракатдан четда қолаётгани йўқ. Ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган моддий ёрдам, телефон тўловларида жорий этилган имтиёзлар билан бир қаторда ёрдамга муҳтоб оилаларга чорва моллари сотиб олиб беришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

— Бугунги кунда, — дейди вилоят алоқачи ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муҳаббат Норуллоева, — "Навоний Телеком" филиали ишчиларидан уч нафарига қорамол олиб берилди.

Филиал раҳбарияти бу хайрли ишни алоқачи соҳасида узок йиллардан буён ҳалол меҳнат қилаётган, кўп болали оилалар-

дан бошлади. Қизилтепа туманидаги Оқмачит маҳалласида истикомат қилувчи электромонтёр Хайит Жўраев, навбахорлик электромонтёр Қудрат Хайруллаев, Конимех туманидаги Саржаловулида яшовчи электромонтёр Қудайберганди Нормуродовлар жонадонларига қора молларни филиал директори ўринбосари Комил Иброҳимов топширди.

Уларни қабул қилиб олган соҳа ходимлари Ижтимоий ҳимоя йили дастури доирасида кўрсатилган хайр-саховат учун ҳукуматимизга чексиз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Дастурнинг амалдаги ижросини таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.



Хайрли тадбирлар

Республикамизнинг барча гушаларида бўлаётгани каби Самарқанд вилояти қорхона ва ташкилотларида ҳам «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эзгу ишлардан ТАТУнинг Самарқанд филиали жамоаси ҳам четда қолаётгани йўқ.

Яқинда Пастдаргом туманида бўлиб ўтган тадбирда ТАТУнинг Самарқанд филиали директори О.Мелиев, филиал вакилларидан Ш.Бўрибоев, А.Исмоилов ва Ф.Янгибоевлар ногирон Саломат Тўрақулова ва 51 йил темирчилик касби билан эл хизматида бўлган, 14 нафар фарзандни вояга етказган Аҳмад Бобоқуловлар оилаларига бир бошдан қорамол топширишди.

Абдуғофур ҲОТАМОВ,
«Хабар»нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

Барча шодлик — болаларга

Навоний вилоятида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган фестивал "Бахтли болалар" шиори остида ўтди.

Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўиш, спортнинг оммавийлиги ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, болаларнинг ўз маҳорати, истеъдод ва иқтидорларини тўла намойён этиши учун кенг имкониятлар яратиш, улар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш мақсадида ўтказилган мазкур тадбир эрта тонгдан Навоний шаҳар марказида минг нафардан ортиқ оналар ва 200дан зиёд болаларнинг «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида ташкил этилган югуриш марафони билан бошланди.

Асосий тадбирлар вилоят марказидаги «Сўғдиёна» спорт саройида бўлиб ўтди. Фестивал иштирокчилари 10та номинация бўйича ўз маҳоратларини намойиш этиб, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Маруза ҲОСИЛОВА,
«Хабар»нинг Навоний вилоятидаги мухбири

Ёшларни ахборот технологиялари оид янгиликлардан тўлиқ хабардор қилиш ва уларнинг шу соҳадаги билимларини ошириш учун Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

Университетнинг Қарши филиалида яқинда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг "Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари" мавзусидаги илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман яқли йиғилишини филиал директори О.Тўрғунов кириш сўзи билан очди. Йиғилиш

қатнашчилари «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедраси муdiri З.Узоқовнинг «Нефть ва газ қазиб олиш жаравнлари технология кўрсаткичларини компютерда моделлаштириш» мавзусидаги маърузасини тингладилар.

Шундан сўнг анжуман ўз ишчи шўъбаларга бўлинган ҳолда давом эттирди. «Информатика ва ахборот технологиялари» шўъбасида филиал профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари олиб борилаётган ишлар ва тадқиқотлар натижалари ҳақида маърузалар қилишди. Айниқса, 4-босқун талабаси Тўймурод Шоймардоннинг «СOM-технология концепциялари», 3-босқун талабаси Илҳом Алмановнинг «MS Access форматидagi маълумотлар базасида ишлаш учун мўлжалланган MS Excel устурмасини ишлаб чиқиш», 2-босқун талабаси Мақсуд Холмуродовнинг «Delphi муҳитида параллел процессорларни дастурлаштириш» мавзусидаги маърузалари йиғилиш қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, анжуманда Қарши шаҳридаги бир қатор ахборот технологиялари йўналишидаги коллеж, академик лицей ўқувчилари ва ўқувчилари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

О.ШУКУРОВА,
ТАТУ Қарши филиали ассистенти

Новости в сфере ИКТ

ZiyoNET—АНОНС*

IPHONE ПОЯВИТСЯ В ПРОДАЖЕ 29 ИЮНЯ



Компания Apple подтвердила, что мобильный телефон iPhone появится в продаже 29 июня. Подтверждением послужили первые рекламные ролики iPhone, появившиеся в эфире телеканала CBS (США) в минувшее воскресенье. В конце коротких видеофрагментов, повествующих об особенностях интерфейса устройства, его музыкальных возможностях и простоте в работе, размещена надпись «coming June 29». Кстати, посмотреть промо-ролики можно на официальном сайте производителя.

Напомним, что у iPhone, представленного главой Apple Стивом Джобсом в ходе двухчасового выступления на Macworld Expo в январе нынешнего года, традиционной буквенно-цифровой клавиатуры нет - управляется он посредством сенсорного дисплея. По словам главы Apple, iPhone совмещает в себе возможности революционного мобильного телефона, плеера iPod с большим дисплеем и интернет-коммуникатора.

По условиям недавнего соглашения с компанией Apple эксклюзивные права на распространение iPhone сроком на пять лет получил американский телекоммуникационный гигант AT&T. Сделка с AT&T запрещает Apple разрабатывать версию iPhone для сетей стандарта CDMA, поскольку в отличие от других американских операторов Verizon и Sprint, работающих с CDMA, AT&T использует стандарт GSM. Стоимость iPhone с двухлетним контрактом с AT&T составит от 500 до 600 долларов.


НОУТБУК VIA ВЕСИТ 850 ГРАММОВ

Тайваньская компания VIA Technologies представила сверхкомпактный компьютер, получивший название NanoBook.

NanoBook по конструкции корпуса аналогичен традиционным ноутбукам, однако небольшие размеры и масса позволяют отнести его к категории ультрамобильных ПК (UMPC). Впрочем, сами разработчики все же называют новинку «ультрапортативным ноутбуком» (Ultra Portable Notebook).

«Сердцем» компьютера является процессор VIA C7-M со сверхнизким энергопотреблением, работающий на тактовой частоте 1,2 ГГц. Объем оперативной памяти DDR2 SDRAM составляет 1 Гб, емкость жесткого диска - 30 Гб или 60 Гб. За вывод изображения на сенсорный семидюймовый дисплей с разрешением WVGA (840 x 480 пикселей) отвечает встроенный в чипсет графический контроллер VIA UniChrome Pro II IGP.

Мининоутбук оборудован клавиатурой со стандартной раскладкой QWERTY, сетевым Ethernet-контроллером, а также контроллерами беспроводной связи Wi-Fi (стандарт IEEE 802.11g) и Bluetooth. При размерах 230 x 171 x 29,4 мм весит компьютер около 850 граммов.



турой со стандартной раскладкой QWERTY, сетевым Ethernet-контроллером, а также контроллерами беспроводной связи Wi-Fi (стандарт IEEE 802.11g) и Bluetooth. При размерах 230 x 171 x 29,4 мм весит компьютер около 850 граммов.

В ИНДИИ НАУЧИЛИСЬ ЛОВИТЬ ЛЕОПАРДОВ НА МОБИЛЬНИКИ



На западе Индии - проблема: леопарды в поисках пищи бродят вокруг деревень, находящихся вблизи лесов, и могут нападать на людей. Но лесничие индийского штата Гуджарат нашли нетривиальное решение - чтобы поймать больших кошек, они используют свои мобильники.

Месяц назад лесники заказали на свои телефоны рингтоны с мычанием коров, блеянием коз, кукареканьем петухов и звуки ещё десятка других животных, считающихся потенциальной добычей леопардов.

Свои аппараты лесники присоединяют к динамикам и устанавливают за клеткой, и рингтоны непрерывно звучат в течение двух часов. В результате любопытные хищники, увлечённые поиском еды, забираются в ловушку.

Этим способом индийцы начали пользоваться месяц назад и уже поймали пять леопардов. Все они были потом выпущены на волю в безлюдных местах.



АФОРИЗМ

Что ум и знания красят человека —
Народы все на том сошлись от века.

Алишер НАВОИ



ВНИМАНИЕ!

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ЕЖЕГОДНЫЙ КОНКУРС НА «ЛУЧШЕЕ РАЦИОНАЛИЗАТОРСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ И ИЗОБРЕТЕНИЕ В ОТРАСЛИ СВЯЗИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ»

В целях наиболее полного использования творческого потенциала рационализаторов и изобретателей в решении технических задач и эффективного производства в сфере связи и информатизации, выявления лучших рационализаторских предложений и изобретений объявлен с 1 июня по 10 ноября 2007 года Республиканский конкурс на «ЛУЧШЕЕ РАЦИОНАЛИЗАТОРСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ И ИЗОБРЕТЕНИЕ В ОТРАСЛИ СВЯЗИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ» среди акционерных компаний, предприятий, организаций и других хозяйствующих субъектов, осуществляющих деятельность в сфере связи и информатизации.

В целях стимулирования изобретателей:

- за одно первое призовое место - 2 млн. сумов;
- за два вторых призовых места - по 1,5 млн. сумов каждому;
- за три третьих призовых места - по 1 млн. сумов каждому.

В целях стимулирования рационализаторов:

- одно первое призовое место - 1 млн. сумов;
- два вторых призовых места - по 800 тыс. сумов каждому;
- три третьих призовых места - по 600 тыс. сумов каждому;

Установлены вышеуказанные премии.

Для участия в конкурсе должны быть представлены следующий комплект документов:

- заявление установленной формы;
- пояснительная записка по представленным предложениям (изобретение, рационализаторское предложение);
- краткая информация об авторах;
- приказ предприятия (организации) о стимулировании авторов изобретений (патентов) и рац. предложений;
- дата регистрации;
- расчет экономической (технической) эффективности;
- акт о внедрении (использовании);
- о перспективах и возможности использования изобретения и рационализаторского предложения.

Желающих приглашаем принять участие в конкурсе, итоги которого будут подведены до 15 декабря 2007 года. Материалы на конкурс принимаются до 10 ноября 2007 года по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 28-А, Научно-техническое общество радиотехники, электроники и связи Узбекистана.
Телефон для справок: 138-41-76.



Определены победители конкурса

1973 йилда ТКРМБ минтақавий республика магистрал алоқалар узели (РМАУ) деб номланди. 1979 йилда эса Радиотелевизион узатиш маркази (РТУМ)га айлантирилди.

1984 — 1989 йилларда Р-60/120 русумли ускуналар ўрнига РТУМда Венгрияда ишлаб чиқарилган

радиотелевизион дастурларни узатиш учун баландлиги 250 метрли мачта ва РТС қурилди. РТСда қуввати 5 киловаттлик "Зона-2" русумли телевизион узатгич ва УКВ ЧМ диапазонида ишлайдиган "Дождь-2" русумли радиоузатгич ўрнатилди. Шунингдек, Нукус ва Бошқа РТСларда ўрта тўлқинли СРВ-2/20, СРВ-7, СРВ-5 русумли радиоузатгичларни ўрнатиш йўли билан ўрта тўлқин диапазонидаги радиоэшиттириш ривожлана борди.

Республика жанубий худудларини сифатли телевизион сигналлар билан таъминлаш ва қамровини кенгайтириш мақсадида 1994 йилда Тўрткўлда баландлиги 92 метрли мачтага эга ва АТРС-5/1 русумли узатгич билан жиҳозланган РТС қурилди. Мангит шаҳрида телевизион сигналларни ишончли ва сифатли қабул қилиш ҳамда тарқатиш учун 1998 йили Султануздаг (Қаратау) — Мангит РРЛ қурилди.

Мустақиллик йилларида телерадиоэшиттириш объектларини қуриш, жаҳон даражасидаги замонавий технологиялар асосида тўлиқ қайта жиҳозлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Юртбошимиз ва соҳа раҳбарияти томонидан алоқа тизимига эътибор ошганлиги сабабли 2003 — 2005 йиллардан бошлаб Қорақалпоқ РТУМнинг барча РТСларида тўлиқ қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорга асосан Республикада телевидение ва радиоэшиттиришни ривожлантириш режаси тузилди ва унга биноан, Япониянинг JBIC банки инвестиция маблағлари иштирокида Нукус, Мўйноқ, Қўнғирот, Шуманай, Тахтакўпир РТСларида эскирган ТВ узатгичлар замонавий, электррознергияни кам сарфлайдиган телевизион ва FM радиоузатгичларига алмаштирилди. Бажарилган ишлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасини биринчи телерадиодастур билан қамраш даражаси 98,6 фоизга етди.

Республика аҳолисини давлат телерадиодастурлари билан тўла қамраш мақсадида "Телерадиоэшиттиришни йўлдош алоқа тизими орқали ташкил этиш" лойиҳасига биноан 2006 йилдан 2007 йилгача, Қорақалпоғистон Республикаси телерадиодастурлари этиб бермайдиган 5та аҳоли яшаш масканига телеузатгичлар ва FM диапазонида ишлайдиган РВ узатгичлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Натижада Қорақалпоғистоннинг биринчи телерадиодастурлар билан қамраш даражаси юз фоизга етди.

Маҳаммаднорм АТАМУҲАМЕДОВ,
Радиолоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази бош директори,
Ешбай ХАЛБАЕВ,
Қорақалпоғистон РТУМ директори

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми»нинг 49-бандига асосан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши лицензияларнинг аризаларига асосан 2007 йил 30 майдан тўхтатилади:

«AZIZ-LIDER-SAVDO» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001467 рақамли;

«KREATIV SERVIS» хусусий фирмасининг (Бухоро шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001041 рақамли;

«FAYZ-XAYRINISO» хусусий корхонасининг (Самарқанд шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001156 рақамли;

«ARGO KAMILA» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001296 рақамли;

«ARGO KAN» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000827 рақамли;

«BAYANA» хусусий фирмасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000403 рақамли;

«ORZU-TEZKOR» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001199 рақамли.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Навоий Телеком" филиали жамоаси умумий бўлим ходими **Ойбахор АБСАМИЕВ**ни 55 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади. Унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, оилавий фаровонлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси корхона ходими **Юлдуз ХИДИРОВА**ни туғилган кунини билан табриклайди. Унга узоқ умр, ишларида улкан зафарлар тилайди.

"Фаргона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси жамоалари Риштон телекоммуникациялар боғламаси телефончиси **Турғунной ДАДАБОВ**ани туғилган кунини билан, Бағдод телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Қаҳрамон БЕКМИРЗАЕВ**ни 60 ёшга, Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси электромонтёри **Неъматжон НУРМАТОВ**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан чин қўрақдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, хонадонларига тинчлик, фарзандлари фароғатини кўриб юришларини тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сирдарё вилояти худудий бошқармаси жамоаси Бобёут телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Раим МАРҚАЕВ**ни кўтулғу 55 ёши билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайди.

(Охири. Аввали ўтган сонда.)

Хайриятки, эри билан муносабатлари яхши. Ўткир уни еру кўкка ишонмайди. Ишдан чиқиб, уйга чопади. Лекин...

Бир кун Жаҳон хола синглисиникига меҳмонга кетди. Сабоҳат тушликка нима овқат қилишга ҳайрон бўлиб бироз ўтирди-да, туриб хамир қорди. Орасига эритилган сариеғ суриб, лочира пиширди. Уларни ўраб қўйиб, эрини кута бошлади. Келгач, иккаласи бирга тушлик қилишди.

— Таоминг ўзингга ўхшаб жудаям ширин бўлибди, яна борми? — сўради Ўткир.

Сабоҳат ҳижолатлик билан жилмайди: "Хамирни озроқ қориб қўйибман. Манг, мана буни ҳам еяқолинг", — у олдидаги яримта лочирани эри томон сурди.

— Йўқ, — деди Ўткир. — У сенинг насибанг. Ўзинг е. Мен ишга шошманман. Каминага мана бу ҳам етади.

У хотинини юзидан ўпиб, ҳазилхузул билан чиқиб кетди. Ўткир шундай ажойиб қизга эга бўлгандан боши осмонда, ўчиб юрарди.

Ишдан сўнг юраги ҳапқириб келган йигит останада туриб қолди. Онасининг товуши ҳатто кўчага ҳам эшитиларди.

— Тарбиясиз, паст! — дер эди Жаҳон хола. — Мен билувдим, шундай эканингни. Агар ота-онанг кўрган одамлар бўлишганида, пиширган овқатининг олдини қайнонangga олиб қўйинг деб, ўргатган бўларди. Яримта лочира қолдиргани уялдингми?

Сабоҳат ерга қараганича пиқиллаб йиллар, ўзини ҳимоя қилиш учун бир оғиз сўз ҳам айтолмасди.

Ўткирни кўриб, Жаҳон хола авжига чиқди.

— Мен сен болага шу беҳосият қизга уйланима деб неча маротаба айтдим, кўнмадинг. Мени ҳурмат қилмайдиган одам яшамайди бу уйда. Чиқиб кетсин ҳозир.

— Битта лочирага шунчами, ойи? Хамирни камроқ қилиб қўйибди. Ҳозир пишириб беради. Тўғрими, Сабоҳат?

— Галварс, менга овқат керакмас. Замира холагниқидан тўйиб келдим. Ҳурмат керак менга.

Ўткир бир амаллаб онасини тинчитди. Лекин бу воқеа катта жанжалларга йўл очиб берди. Жаҳон хола Сабоҳатни ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, деб ўғлига шикоят қилаверди. Ҳадеб ёмонлайверишлар Ўткирга ҳам таъсир қилмай қолмади, албатта. У уйдаги тўполонлардан беэи, ичиб келади одат чикарди. Хотини билан муносабатларига дарз тушди. Бир кун онасининг бақир-чақирига чидай олмаган Ўткир хотинининг юзига турсаки тортиб юрди. Ўзи шундоқ ҳам жанжал, камситишлардан чарчаган Сабоҳатнинг ўйлаб юрган режасига бу охириг нукта бўлди. У китоб-дафтарларини йиғиштириб, битта сумкага жойлади-да, эри ишга кетган, ота-онасиникига кетди.

— Эй, нодон болам-а, — деди Тўра ака қизининг аҳволини кўриб, — битта шилқимдан кутқарди деб ўзингни ҳам, бизни ҳам азобга қўйдинг. Ҳа, майли, бўлар иш бўлди, гўш қолдиган кўчди. Энди уйда яшайвер. Яқинда Салима онанг узок муддатли таътилга кетади. Ўрнига ишга оламиз. Ўқишингни ҳам давом эттираверсан.

Шу тариха Сабоҳат ота уйда яшай бошлади. Бир ҳафта ўтиб, ишга ҳам чиқиб кетди. Бу орада Ўткир бир неча марта Сабоҳатлар яшайдиган маҳаллага келди. Лекин уйларига киришга юраги бетламади. Нима ҳам десин? Онасининг феъли ҳаммага маълум. Энди унга ким ҳам тегарди. «Қандай бўлмасин, хотинимни олиб кетаман, барибир». У шу ўй билан озроқ вақт кутишга қарор қилди...



— Мана буни ўртогингиз Назира опа бериб кетди.

Сабоҳат энди ишдан келиб турган ҳам эдики, қўшни бола қўлига хат тутқазиб, чиқиб кетди. Ҳайрон бўлган Сабоҳат хонасига кириб, хатжилдни очиб, мактубни қўлига олди. У бир неча йил кетидан югуриб юрган Сарвардан эди.

"Азизам Сабоҳат, — деб бошларди нома, — келганингни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Энди қайтиб бормасиз деган умиддаман. Сиздан буни ўтиниб сўрайман. Мен ҳам хотинимни уйига жўнатиб юбораман. Унга ота-онамининг қистови билан уйланганман. Иккаламиз ҳам ажрасак, сўнг турмуш қураимиз. Мен сизни бошимда кўтариб юраман. Ишонинг".

Хатни ўқиб, Сабо-

эди. Ана шундай сиқилиб юрган пайтларидаги навбатдаги дилхиралик учун Сабоҳат анчагина ўзини қойиб юрди ва шу воқеа бутун умрга сабоқ бўлиб қолди.

Ишхонасида турмуши ҳақида ўйлаб ўтирар экан, унинг хаёлига ҳаётимдаги кўнгилсизликлар учун ўзим ҳам айбдор эмасмикиман, деган фикр келди. Жанжалларга сабаб бўладиган қайнонаси оламдан ўтган бўлса, ишдан чарчаб келган одамни хотини чиройли табассум билан кутиб олмаса, ширин гапирмаса, ҳар қандай одамнинг ҳам жаҳли чиқади-да. Сабоҳат-ку, яхши келдингизидан нарига ўтмасликка анчадан бери ўрганган. Бир хонадонда яшаб, бир хонада ётиб оилаб эрининг юзига қарамаган вақтлари бўлган. Эри кимдан кам, ахир. Буй-баста келишган, чиройли, толганини оиласига ташийди. Хотинига хиёнат қилишни хаёлига ҳам келтирмаса, Ана, Барнонинг эри. Ҳали у аёл билан шакарғуфторлик қилади, хали буниси билан. Барно шўрликка эрининг мил-мил бойлиги ҳам татимайди. Доимо йиллаб ўтиради. Ҳарқалай, Ўткир акасини у билан тенглаштириб бўлмайди.

Сабоҳат ишдан вақтлик қелиб, эри яхши кўрадиган таом — манти пиширди. Ҳовлиларни супуриб, сув сепди. Чиройли либосини кийиб, ўзига жиндек оро ҳам берди. Кўп ўтмай таниш сигнал эшитилди. Машинадан тушган Ўткир хотинидаги ўзгаришга эътибор ҳам бермади.

— Дарвозани тезроқ очсанг ўласаним? — ўдагайлади у хотинига. — Қўшнилардан ҳам уятга қолади одам.

Сабоҳат ер ёрилса, кириб кетгудай ҳолатга тушди. У ўзидан уялиб кетди. Дилидаги ҳаяжон, соғинч ўзига нисбатан нафратга айланди. Эрига қўшиб ўзини ҳам ёмон кўриб кетди у ва бу Ўткирга ўзини мажбурлаб пайдо қиладиган илқилларнинг охиригиси бўлди. Ушандан бери мана қаридики, Сабоҳат эрига бўлган муносабатда маълум масофани ушлаб туради: ёмон гапига ҳафа бўлмаганидек, яхшиликларига ҳам хурсанд бўлмайди.

Ўткир Сабоҳатни учратиб, уни Аллоҳ қанчалар катта муқофот билан сийлаганини кейин тушуниб етди. Фарзандларини ҳалол, тўғрисуз, ота-онага меҳрибон, ўқимли қилиб тарбиялагани учун хотинидан миннатдор бўлган, яқинлари гапига кириб, унга берган озорлари учун кечирим сўраган вақтлари кўп бўлди. Лекин синган шишани бутунлаб бўлармиди? Танасида тошга айланган юракни қўтариб юриш аёлга оғирлик қилади баъзан. Шунинг учун ҳам қийинчиликларга чидаб яшаган кунларини эслашни ёмон кўради. Аллоҳдан ўзига сабр-бардош тилайди. Болалари — умрини бахшида этган жигаргўшалари буни яхши билишди. Шунинг учун ҳам оналарини эъозлашади. Сабоҳат уларни сабрим эвазига толган олтинларим деб мағрурланади. Келинлар буни қаердан ҳам билишини?!

TURMUSH CHORRAHALARIDA

хат-нинг юзи оловдай ловуллаб кетди. Худди жиноят устида қўлга тушган одамдай ҳис қиларди ўзини. "Бугун бу хат — ўйлади у. — Эртага кимдир йўлимни тўсди. Маҳалладагилар мени ўзи севиб турмуш қурган, деб билишади. Қайси мажбурият туфайли тўйга рози бўлганимни ҳеч ким билмайди-ку, ахир. Бора-бора номим ёмонга чиқиб кетса-я?" У ўйлай-ўйлай барча қийинчиликларга чидаб, эри билан яшашга қарор қилди. Эртасига ишдан келаётган эди, орқасидан кимдир чақиргандай бўлди. Қараса, Ўткир жилмайиб турар эди.

Еш келин-куёвнинг ўрталарида ҳеч нима ўтмагандай шодон кириб келишларини кўриб, Тўра ака билан Назоқат опа ҳайрон қолишди. Сабоҳат наридан бери нарсаларини йиғиштириб, қийинчилик ва ота-онасига уйига кетаётганини айтди. Ота, ҳатто ишга энди кирдинг-ку, борсанг яна жанжал бўлмаслигига ким қаролди беради, деб сўрай олмади ҳам.

Шу-шу Сабоҳат ҳамма нарсани ичига ютадиган, ота-онасига ҳеч нарса айтмайдиган бўлди. Бир гапириб, ўн куладиган шўх-шодон қизининг кундан-кун озиб, ранглари сўлиб бораётганини кўриб туришса ҳам ота-она ҳеч нима қила олмас эдилар.

Уйда эса қайнонанинг зулми кучайгандан-кучайди. Сабоҳат эрининг, қайнона-ю, ён "қайнона"-ларининг барча кирдиқорларига мик этмай чидарди. У гўё тилсиз ва қар жонзота айланган эди. Яхшиямки, ишхонаси бор. Сабоҳат шу ерга келиб, ўзининг кимгадир кераклигини ҳис қиларди. Бу орада кетма-кет фарзандлари туғилди. Уйдагиларнинг қаршиликларига қарамадан, ўқишини давом эттирди. Ҳаёт қийинчиликлари уни кучли ва иродали аёлга айлантирган эди. Ана шу фазилатлари туфайли ишда бош ҳисобчиликка кўтарилди. Энди у анча ўзини тутиб олган, аста-секин оилада ҳам ўз мавқеига эга бўла бошлаганди. Лекин меҳрга, эрининг ширин сўзига ташна ўтарди унинг, кунлари.

Сурункасига давом этиб келаётган дилхираликлар эр-хотин ўртасини тўсиб турувчи қўрнмас, аммо мустаҳкам деворга айланган

BILASIZMI?

ОШХОНАНГИЗДА ПИЧОҚЛАР НЕЧТА?

Ошхонада нечта пичоқ ишлатиш мумкин? Батзи уй бекалари битта ёки иккита ишлатишса, бошқаларининг юмушлари ўнлаб пичоқларсиз битмайди. Яъни, нон, картошка, сабзавот, пишлоқ ва гўшт кесиш учун алоҳида пичоқ ишлатилар.

Ошхонада ишлатиладиган пичоқлар кўп бўлса, вақт ҳам тежаллади. Уларни ҳар нарсага ишлатавериш эса тезда ўтмаслашиб қолишига сабаб бўлар экан. Шундай экан, уларни қандай қилиб бири-биридан ажратиб мумкин, деган савол туғилиши табиий. Бу қийин эмас.

п Сабзавот ва меваларни тозалайдиган пичоқлар калтарок, тўғри ва сал қайрилган бўлади.

п Узун ва ингичка пичоқлар гўшт ва балиқ кесишга мўлжалланган.

п Нон кесиладигани узун ва тўлқинсимон (зигзаг) бўлиб, бу пичоқ билан қовун-тарвуз сўйса ҳам бўлади.

п Нон кесиладиган пичоқдан сал кичикроқ ва тўлқинсимон тигил пичоқ помидорнинг қаттиқ пўстини чиройли кесиб, этини эзмайди.

п Пишлоқ ўртаси тешик, куракчасимон пичоқда кесилади.

п Ошпазлик пичоғи анча катта ва вази оғир бўлади. Унинг тиги кенг ва салгина учи қайриб ишланади. Бу пичоқ билан сабзавотлар кесилади ва майдаланади.


п Турли газаклар, пирог, шўр балиқ кесиладиган пичоқнинг тиги узун ва икки томони чуқур бутган ўйikli бўлади. Икки томонида ўйиклар борлиги учун у кесилаётган маҳсулот қанча оғқа бўлмасин ёпишиб қолмайди.

п Сариеғ кесиладиган пичоқ бошқа пичоқларга қараганда кенг ва калтарок, лекин унча ўткир бўлмайди.

п Картошка тозаланадигани эса ишлаётганда қулай бўлиши учун калта ва пластмасса сопли қилиб ишланади.

п Ҳамма нарсага мўлжалланган пичоқларнинг алоҳида белгилари йўқ. Улар билан картошка ва шунга ўхшаш сабзавотларни ҳам кесиш мумкин.





Хиндистон таассуротлари

Интернетда Хиндистон ташқи ишлар вазирлиги томонидан эълон қилинган грантга асосан менга Хиндистонга бориб, уч ой Хайдаробод шаҳридаги Инглиз тили ва хорижий тиллар марказий институтида малака ошириш насиб этди. Шу сабаб, «Хабар» мушаррифлари билан Хиндистон ҳақидаги таассуротларимни баҳам кўрмоқ ниятида қўлимга қалам олдим.

Учинчи январ кунни биз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси ҳаво кемасида Тошкентнинг халқаро аэропортидан учганимизда пойтахтимизда ҳаво ҳарорати тахминан 6-7 даража илқ эди. Кечаси қор ёғиб чиққан, 8-10 см қалинликда қор бўлса-да, кундузи ҳаво очилиб, кўёш чарақлаб турган эди. 2 соату 40 дақиқалик парвоздан сўнг Дехлининг халқаро аэропортига етиб келдик. Масофа унчалик узок бўлмаса-да, об-ҳаво анча фарқ қилар экан, ўша кунни Дехлида 18 даража иссиқ эди. Шундан сўнг биз яна маҳаллий аэропортидан Хайдаробод шаҳри томон 2 соат учдик. Январ ойи бўлишига қарамай, Хайдаробод бозорлари янги узилган мева ва сабзавотларга сероб. Улардаги об-ҳаво бунга имконият яратган — қиш ойларида ҳам иссиқ 25-30 даражани ташкил этади.

Хайдаробод аслида иккита бир-бирига қўшилиб кетган шаҳар (Хайдаробод ва Secunderabad, яъни Искандаробод) бўлиб, бу ерларда етти миллиондан ортик киши истиқомат қилар экан. Ҳозирда Хайдарободни Сайберобод (Syber — тез ривожланувчи) шаҳри деб ёки аҳолисининг кўп қисми мусулмон бўлганлиги учун мусулмонлар шаҳри ҳам деб аташар экан. У ерда масжидлар билан биргаликда кўплаб ҳинд ибодатхоналари ҳам бор. Тез ривожланаётган шаҳар деб аталишига сабаб, ҳозирги пайтда ахборот технологиялари ва дастурлаш соҳаси анча жадаллик билан тараққий этаётганидир. Жаҳонда юқори ўринларда турувчи Хиндистоннинг ўзида Хайдаробод шаҳри етакчилик қилади. Хайдарободда кўплаб чет эл фирмалари фаолият юритишади, улар тайёр дастурларни off shore (денгиз ортига ёки қирғоқнинг у томонига сотиш) қилишади.

Асосий мақсадимиз инглиз тилини чуқурлаштириш ва чет тили ўқитиш методикаси бўйича фикр алмашиш бўлса-да, биз у ерда инглиз тилида бизнес хатлар ёзиш йўллари, мулоқот қилиш ва озгакни нутқ бўйича ҳам шуғулландик. Курсимизда 30 мамлакатдан иштирокчилар бўлганлиги учун кўп мамлакатлар ҳақида маълумотлар олдик, чунки ҳар бир қатнашчи тақдиримиз дарсларида ўз юрти ҳақида ҳикоя қилиб беришарди. Курс давомида биз луғат бойлигимизни оширдик ва ўзимиз учун янги ўқитиш методикаларини кашф этдик.

Хайдарободнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдик. Шаҳардан унча узок бўлмаган жойда Филм Сити (Филм шаҳри) яратилган бўлиб, у ерда дунёдаги ва Хиндистондаги кўплаб иншоотлар ва тарихий биноларнинг макетларини кўриш мумкин. Умуман, шаҳарчада филм ишлаш учун барча қулайликлар яратилган. Масалан, шаҳарчада Лондон шаҳри кўчаларидек кўча яратилган, макет бинолар ҳақиқий Лондондагидек. Киночилар Лондонга бормасдан бемалол у ерда бўлиб ўтадиган сюжетларни суратга олиши мумкин. У ерда Тож Маҳал макети ҳам бор. Хиндистондаги сафаримиз давомида яна бир эса қоларли саёҳат — Араб денгизи соҳилларига бўлди. Сайёҳлик шаҳри Гоада бир hafta бўлдик. Феврал ойида ҳам бу ерда ҳаво ҳарорати 30 даражадан юқори эди. Бу ернинг кўёшида тобланиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан одамлар келишар экан. Биз денгизга кичикроқ кемада чиқдик. Саёҳат давомида ҳиндлар ўз миллий куйи ва қўшиқларидан намойиш этишди.

Курсимиз қатнашчилари тест асосида уч гуруҳга бўлиниб, курс охирида "А" гуруҳидагилар, яъни тилни яхши биладиганлар курс ишлари ёзди. Шу жумладан, мен ҳам "А" гуруҳда бўлганлигим учун "Марказий Осиё ва Ўзбекистон ҳақида"ги курс ишларини ва тақдиримизни прожектор ёрдамида тақдим этдим. Ўзбекистон ҳақидаги маълумотлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Қодир РЎЗИЕВ,

ТАТУНИНГ Қарши филиали инглиз тили ўқитувчиси

QANDOLATCHILIK SABOQLARI

Қадрли уй бекалари! Ҳозир саломатлигимизни мустаҳкамлаш учун ҳар томонлама фойдали мева — қулупнайнинг охири йиғиб олинмоқда. Бу мевани торт тайёрлашда ҳам ишлатиш мумкин. Қуйида биз "Қулупнайли саватча" тортининг тайёрлаш усулларини баён этамиз.

Ҳамир: ун — 2,5 стакан, тухум — 1 дона, долчин — 1 чой қошиқ, асал — 3 ошқошиқ, саригё ёки маргарин — 100 г, қулупнай жеми — 150 г, сода — 1 чой қошиқ, 1/3 лимоннинг шарбати, какао кукуни — 1 чой қошиқ.

Қатламга: қулупнай жеми — 200 г, қаймоқ — 200 мл. **Қиёмга:** шакар — 50 г, сув — 50 мл, қулупнай ликёри — 70 мл.

Безаклар: яшил мағиз хамир (марципан) — 100 г, шоколад — 100 г, қулупнай — 10 дона, шакарли мастика — 70 г.

1. Асал эритилиб, жем билан аралаштирилади.

2. Сарёғни ййлаб, сўнгра кўпиртирилади.

3. Тухум кўпиртирилади.

4. Ун эланиб, долчин билан аралаштирилади.

5. Лимон шарбатига сода солинади.

6. Асал сарёғ билан аралаштирилиб, кўпиртирилган тухум қуйилиб, долчинли ун, содали лимон шарбати қўшилиди ва хамир қорилиди. Хамир икки қисмга ажратилиб, 1/2 қисмига какао кукуни қўшилиди.

7. Форманинг тагига пергамент қоғоз тўшалади.

8. Галма-галдан оқ ва жигарранг хамир формага қуйилади. 1 соат давомида 180°C ҳароратда пиширилади.

9. Тайёр бўлган корж совитилиб, уч қисмга ажратилади.

10. Қиём қайнатирилиб, со-

"ҚУЛУПНАЙЛИ САВАТЧА" ТОРТИ

вителиди ва ликёр қуйилади.

11. Қатламлаш учун қаймоқ кўпиртирилади.

12. Биринчи қулчага қиём синдирилиб, жем ва сўнгра кўпиртирилган қаймоқ суртилади. Кейинги қулчани биринчисининг устига ёпиб, худди юқоридагидек қиём синдирилади ва жем ҳамда қаймоқ суртилади. Сўнгра учинчи қулча ёпилиб, унга хушбўйлангиртилган қиём синдирилади ва жем суртилади.

13. Шоколадни эритиб, тортининг устига 1/2 қисмига қаймоқ ҳолида қуйилади.

14. Тортининг қолган барча қисмига кўпиртирилган қаймоқ суртилади.

15. Яшил марципандан тасма ёйилади. Стол устига қанд ула сепилиб, тасма унинг устида ёйилади. Урам қилиб ўралиб, сўнгра тортининг ён қисмига ўраб чиқилади. Пастдан қошиқ банди ёрдамида ҳошия ясалади.

16. Кўпиртирилган қаймоқнинг бир қисми кондитер қопчасига солиниб, тортининг чек-

каси гулдор қилиб безатилади.

17. Шакарли мастикадан олдидан саватча ясаб қуйилади. Бунинг учун массадан юпқа қулча ёйилиб, кунгурдор кондитер формачасига (кичик кекс формачаси) солиб қолипланади. Саватча 1 сутка давомида қуриydi. Саватчанинг чеккасига эритилган шоколад билан гулдор ҳошия чизилади. Саватчанинг дастаси ёй шаклида ясалади.

18. Қулупнай ювилиб, бир қисми саватчага, бир қисми эса тортининг устига солинади.

19. Тортининг ёнига чиройли байрам лентаси боғлаш, оқ юзасига эса: «Юбилейингиз билан!», «Тугилган кунингиз билан!» каби қутловчи ёзувларни ёзиш мумкин.

20. Эритилган шоколаднинг бир қисмини пергамент қоғозидан ясалган қопчага солиб, ундан жимжимадор кунгиралар ясалади ва 10-15 дақиқига совитгичда совитилади.

21. Торт қотган кунгиралар билан безатилади.

Фойдали Маслаҳатлар

◆ Лимон ва апельсинлар бир неча дақиқа иссиқ сувга солиб қуйилса, улардан кўпроқ шарбат чиқади.

◆ Зираворлар — қалампирмунчоқ, арпабодийён, долчинни ёруғлик тушмайдиған жойда, усти яхшилаб ёпилган банкада сақлаш керак. Акс ҳолда, уларнинг ранги ва ҳиди йўқолади.

◆ Паркет пол вақти-вақти билан глицеринли сувга (бир литр сувга бир ошқошиқ глицерин қўшилади) ботириб олинган латта билан артилса, ярақлайди.

◆ Сирланган ванна бир литр сувга бир ошқошиқ новшадиял спирти қўшиб ювилса, ундаги зангнинг сарғайган доғларини кеткизиб, топ-тоза қилади.

◆ Ўсимлик ёғига озгина шакар қўшилса, қўллар учун ажойиб малҳам бўлади. Бу малҳамда қафтлар билан қўллар ишқаланса, нафис ва юмшоқ қилади.

◆ Раковина ва ваннадаги доғлар апельсин пўсти билан ишқалаб ювилса, оқариб, ёқимли ҳид таратади.

◆ Пўстин ва калта пўстинларга тугма тикаётганда орасига юпқа қоғоз қўйилса ипга пўстиннинг туки қўшилиб чиқмайди. Тугмани тикиб бўлгач, қоғозни олиб ташлаш мумкин.

◆ Тузланган қарам ўзига хос ажойиб таъмга эга бўлиши учун сувига озгина олма сиркасида қўшиб юборилса кифоя.

◆ Эскириб қолган асал ва мурабболарга озгина сув қўйиб қайнатилса янги тайёрлангандек бўлади.

◆ Олмани духовкада пишираётганда ёрилиб кетмаслиги ва газ патнисига ёпишиб қолмаслиги учун бир неча жойини гугурт чули билан тешиб, духовкага бироз сув қўйиб қўйилса бас.

◆ Ҳаво исиганда чарм қўлқоплар қоронғи жойга қўйилса, уларнинг ранги ўчиб кетмайди.



**Ўзбек футболи
ифтихори, юксак
истеъод соҳиби
Миржалол ҚОСИ-
МОВ ўйинчи
сифатида катта
футбол билан
хайрлашди.**



ФУТБОЛЧИЛИКДАН МУРАББИЙЛИККА

Бу воқеа сабаб ҳар бир ўзбек футболи муҳлиси кўнглидан турли кечинмалар ўтган бўлса, ажабмас. Бир томондан йиллар давомида майдонда мўъжиза кўрсатиб, қалбларда қувончу ҳаяжон уйғотган Миржалолнинг ўйинларидан бошқа баҳра ололмаслигимиздан ачинган бўлсак, иккинчи томондан бу маҳорат эгасининг мураббийлик сари муносиб кузатилаётганидан кўнглимиз таскин топди.

Вақти келиб, сеvimли юлдузларимиз ўз ўринларини ёшларга бўшатиб беради. Бу – ҳаётнинг қонуни. Асосийси, Миржалол бутунлай хайрлашмади, у футболда мураббий сифатида қолди. Келгусида унинг кўл остида янги Миржалоллар камол топиши аниқ. Биз бунга ишонамиз. 2 июл куни МХСК стадионида ташкиллаштирилган махсус шоу-дастурда Миржалолнинг ўзи ҳам бунга ваъда берди. Қолаверса, “Ўзбек Зидани” ўз маҳорати, иродаси ва матонати билан кўп ютуқларга эришган. Уни келажақда янада катта зафарлар кутмоқда.

Миржалол Қосимов собиқ Иттифоқ ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаси таркибда сардор сифатида икки бор Европа ва бир бор жаҳон чемпионати Кубогини боши узра баланд кўтарган. Ўзбекистон терма жамоаси билан 1994 йили Осиё ўйинлари чемпионига айланган. У ҳозирда мамлакат Олимпия терма жамоасида катта мураббий сифатида иш олиб бормоқда ва бу ўз натижасини кўрсатиб улгурди: олимпиячиларимиз ўз тарихларида биринчи бор саралаш мусобақаларининг ҳал қилувчи босқичига йўл олишди...

Хайрлашуви учрашувида Ўзбекистон ва Евроосиё терма жамоалари майдонга тушишди. Кеча қаҳрамони Миржалол Қосимов биринчи бўлимда Европа ва осиелик дўстлари сафиди, иккинчи бўлимда эса Ўзбекистон терма жамоаси сафиди ҳаракат қилди. Эътиборлиси, учрашув тугашига 5 дақиқада қолганда Миржалол Қосимовнинг катта ўғли, “Қурувчи” футбол мактаби аъзоси Миржамол майдонга тушди. Икки дақиқа ўтиб, унинг кичкина ўғли, “Пахтакор” тарбияланувчиси Миркамол 4-рақам остида Миржалол Қосимовнинг ўрнига майдонга чиқарилди. Миржалол ўз сардорлик боғичини кичик ўғлига таққани ҳам раэмий маъно касб этди.

Учрашув дуранг билан якунланди.

Ўзбекистон – Евроосиё – 3:3

Голлар: П.Соломин, 16; М.Қосимов, 68-пен; М.Бикмаев, 82 – И.Тарловский, 59; Али Дайи, 66; А.Карьяка, 87.

ПЕКИН САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Олимпиада ўйинларига саралашнинг иккинчи босқичи ҳам ортада қолди. Олимпия терма жамоамиз ўз гуруҳларида иккинчи ўринни кўлга киритиб, кейинги – ҳал қилувчи босқичга йўл олди.

Сўнгги турни Самарқанд шаҳрида ўтказган Вадим Абрамов шогирдлари 15 минг муҳлис кўз ўнгидида ажойиб галабага эришдилар. Вакилларимизнинг иккинчи бўлимда амалга оширган хавфли ҳужумларини яманлик футболчилар бартараф эта олишмади. Айниқса, Азиз исмли икки футболчимизнинг майдондаги фаоллиги эвазига ҳисоб йирик кўриниш олди.

Ўзбекистон о.т.ж. – Яман о.т.ж. – 3:0

Голлар: Азиз Иброҳимов, 56; Азиз Ҳайдаров, 64; Музаффар Умрзоқов, 81.

Сўнгги саралаш босқичига 13 июн куни қураъ ташланади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси АКЭТ кафедраси катта ўқитувчиси Сурайё Гуломовага онаси, университетда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган “Радиотехник тизимлар” кафедраси доценти

Сунбула ТУРСУНОВАнинг

вафоти муносибати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУНОСИБ ИШТИРОК

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясига аъзо ташкилотлар ҳамда унинг тасарруфидаги жамоалар аппаратлари ўртасида Ижтимоий ҳимоя йили ва Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб республика спартакиадаси ўтказилди. Унда спортнинг 4 тури бўйича 700 нафардан ортиқ қасаба уюшмаси ходимлари иштирок этишди.



Мусобақаларда “Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали қасаба уюшма кўмитаси раиси Асқар Абдуллаев шахмат бўйича 1-ўринни, Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгашининг маънавият, маърифат ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Суннат Абдуганиев енгил атлетика баҳсларида 2-ўринни ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тохир Назаржонов бошчилигидаги мини-футбол жамоаси 2-ўринни кўлга киритиб, алоқачилар жамоаси ҳисобига қимматли очколарни ёзиб қўйишди.

Спартакиадада ҳар доимгидек мини-футбол мусобақаси мурасасиз беллашуларга бой бўлди. Гурӯҳдан муваффақиятли ўтиб, яримфиналга йўл олган алоқачилар Андижон вилояти қасаба уюшмаси жамоаси билан баҳс олиб берди. Ўйин жуда қизиқарли ўтди. Биринчи бўлиб андижонликлар ҳисобда олдинга чиқиб олишган бўлса, кейин алоқачилар кетма-кет уч тўп киритиб, ҳисобдаги устунликни ўз томонларига оғдириб олдилар. Бироқ иккинчи бўлимда Андижон жамоаси яна ҳужумга зўр берди ва мувозанатни тиклашга муваффақ бўлди. Ўйин охирида дарвозаларга яна биттадан тўп киритилиб, учрашув асосий вақти 4:4 ҳисоби билан якун топди. Пеналтилар серияси ҳам ўйиндаги мурасасизликнинг давоми бўлди. “Футбол лотореяси”ни андижонликлар бошлаб беришди. Уларнинг беш ўйинчиси томонидан берилган зарбаларнинг фақат биттаси голга айланди. Алоқачилар ҳам тўрт имкониятдан битта гол киритишди. Сўнгги имконият: ҳисоб 1:1 бўлиб турганида тўп олдиға Тохир Назаржонов яқинлашди. Республика алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши раиси бу имкониятни йўққа чиқармади ва ажойиб зарба билан дарвозани ишғол қилди. Алоқачилар финалда!



Финал ўйинида “Таълим” жамоаси билан баҳс олиб борган алоқачилар жамоасига омад бироз қилиб бокмади. Яқуний ҳисоб – 4:3.

Эътиборлиси, бу мусобақада алоқа соҳасида спортни ривожлантириш учун жон қойитиб келаётган қасаба уюшмаси ходимларининг ўзлари жиддий синовдан ўтишди. Айтиш лозимки, улар мусобақада муносиб иштирок этишди. Яқунда вакилларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Бу – соҳада спортнинг кенг оммавийлашгани ва унинг ташкилотчилари ҳам ҳақиқий спорт жонқурлари эканлигидан далолат.

Xabar

МУАССИС:

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ**

**Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

**100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz**

Таҳририятга келган қўлёзма ва
суратлар эга. арига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан фарқланиши
мумкин.**

Наширимиздан кўчириб босил-
ганда “Xabar”дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 1
Реклама материалларнинг тўғри-
лиги таҳририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг
ҳаққонийлиги учун мақола
муаллифи масъулдир.**

Газетани таъйёрлашда Интернет ма-
териалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

553-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ,
Адади: 9411 нуска.

Газета таҳририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: **Аслиддин БҮРИЕВ.**
Матн терувчи: **Далфуза МАТҚУРБОНОВА.**

**Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.**

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1840 йили Англия парламенти Роуленд Хилнинг почта алоқасига махсус маркаларни киритиш ҳақидаги таклифини қабул қилди.

Махсулот ёки хизматларни маркалаш (франклаш – ҳақини тўлаш) олдин ҳам қўлланилган. Масалан, «шляпа товони» маркази, «аҳолидан солиқ» маркази, «матбуот» (газета) маркалари бўлган.

Биринчи почта маркази 1840 йил 1 майда Лондонда

хатлар, 1859 йили Францияда – қўшимча тўловлар учун маркалар чиқарилди.

1871 йили Перуда Лима-Кальяо темир йўлининг 20 йиллигига бағишланган марка чиқарилиб, эсдалик маркалари сериясини бошлаб берди.

1885 йили АҚШда тезкор почта, 1917 йилда Италияда – авиапочта маркалари нашр этилди. Почта хизматини ҳар хил хайрли ишларга жалб этиш бошланганда марка

элтувчи болалар шуғуланишган. Улар хатларни олиб боргач, маркаларини чиқариб олишган ва филателистларга сотишган. Филателистлар ноёб маркаларни йиғишган.

«Қора пенни» ноёб маркалар сирасига киради. 1856 йили Британия Гвианасида маркалар тугаб қолади ва губернатор вақтинча ички алоқа учун марка чиқаришга рухсат беради. Учбурчак шаклдаги уч мачтали кема тасвирланган кўримсиз бу

● FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

326. "Дунё харитаси" почта блоки. С.ШАРИПОВ дизайни.

Почта блоки марказида бешта қитъа ва Тошкентни турли давлатлар билан боғлаб турган чизиклар тасвирланган. Блок ҳошиясида БМТ эмблемаси, Ўзбекистоннинг Давлат байроғи ва 14та давлатнинг байроқлари берилган.



Блок ўлчами 90x70 мм. Блокдаги марка ўлчами 42x30 мм.
Блокдаги марка перфорацияси тароқсимон.

327-340. Купонли почта маркалари. С.ШАРИПОВ дизайни. Ф.ҚУРБОНБОВЕВ фотоси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг хорижий давлатлар раҳбарлари ва жамоат арбоблари билан бўлган учрашувларига бағишланган.



327. "Ислам Каримов БМТ минбарида" почта маркази.

Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.



328. "Ислам Каримов ва Билл Клинтон" почта маркази.

Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.



329. "Ислам Каримов ва Владимир Путин" почта маркази.

Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.



330. "Ислам Каримов ва Акихито" почта маркази.

Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.

ФИЛАТЕЛИСТЛАР КИМЛАР?

сотувга чиқарилган. Унда қироличанинг ўнг томондан кўриниши тасвирланган.

Ушбу марканинг нархи 1 пенни бўлиб, «қора пенни» деган номда ҳам юритилган. Мавжуд тарифларни тўлаш қулай бўлиши учун тез орада икки пенслик кўк марка чиқарилган. Почта тарифлари такомиллашгани сайин маркалар сони кўпайган, уларни фарқлаш осон бўлиши учун ранг ва шакл жиҳатида ажралиб туриши шарт қилиб қўйилган.

Жўнатиладиган хатларга марка ёпиштириш билан кифояланмасдан унга алоҳида «ҳақи тўланди» деган маънони билдирувчи муҳр ҳам босилган. Муҳрлар ҳар хил – учбурчак, тўртбурчак, доира шаклларида бўлган. Лондон почтамаида маркалар билан бир вақтда «Малреде конвертлари» — маркалар тасвирланган 1 ва 2 пенслик хатжилдлар ҳам сотувга чиққан.

Почта хизматлари такомиллаштириб борилгани сайин марка турлари ҳам кўпая бошлади. 1951 йили Австрияда газеталарни жўнатиш учун кўк, сариқ, пушти маркалар, 1854 йилда Австралияда – буюртма



турлари янада кўпайди. Етимлар ва муҳтожлар манфаатлари учун, Қизил Хоч, силга ва очликка қарши кураш махсус маркалари чиқарилди.

«Қора пенни» — Англияда 1840 йили, «Базел кабутари» — илк уч рангли марка Швейцарияда 1845 йили, Тинчлик Кабутари тасвирланган биринчи марка Швейцарияда 1932 йили чиқарилган. Тристан-де-Куна оролида эса «Куни Элизабет-II» океан пороходи тасвирланган 13 сантиметр узунликдаги марка босилди. Маршал оролида катталиги 11x16 сантиметр бўлган маркалар чиқарилди. Маркалар пайдо бўлгандан сўнг уларни йиғувчи коллекционерлар, олиб сотувчилар ҳам кўпайди. Дастлабки даврларда маркаларнинг олди-сотдиси билан хатларни

марка «Индия-80» кўргазмасида 1 миллион долларга баҳоланган. 1875 йилгача чиқарилган маркалар ҳам классик маркалар деб аталиб, жуда қимматбаҳо хисобланади.

Париж коммунаси борйўғи икки ой ҳукм сурганига қарамасдан ўз маркаларини ва турли нарҳдаги 6 хил миннаторга чиқаришга улгурган эди. 1938 йилда Испанияда сув ости кемаси тасвирланган «Испан Республикаси сув ости почтасининг биринчи эмиссияси» деб ёзилган сув ости почта маркази чиқарилган.

1971 йилда Англияда почта ходимлари намоийшлари бўлиб, ўша кунларда шахсий компанияларнинг маркалари пайдо бўлади. Бу маркаларга кейинчалик «стачченне» номи берилган эди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА

ОБУНА — 2007 ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга 2007 йилнинг қолган ойлари учун обуна давом этаётганини маълум қиламиз. «Хабар»га барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Якка тартибдаги обуначилар ва ташкилотлар учун ягона нашр кўрсаткичи — 228.

Унутманг, обуна йил бўйи давом этади!

Янги "Ер сайёраси"

Астроном олимлар куёш тизимидан ташқарида жойлашган кичик сайёра кашф этилганини маълум қилдилар. Олимларнинг айтишларича, мазкур сайёрада ҳаво бор ва унинг сатҳида сув ҳам бўлиши мумкин. Ушбу сайёра ердан йигирма ярим нур йили узоқлигида Тарозу юлдуз туркумида жойлашган.

Ҳозирга қадар олимлар куёш тизимидан ташқарида 200дан ортиқроқ сайёрани кашф этишган. Уларнинг аксари газсимон бўлиб, ер сингари тоғу тош, тупроқ ва сувдан ташкил топгани жуда оз.

Янги кашф этилган ерга ўхшаш сайёра Gliese-581 деб номланган юлдуз атрофини ўн уч кун мобайнида айланиб чиқар экан.

М.ОТАХОНОВ

ЕРТЎЛАДА НИМА БОР, "МЕХМОН"?

80 метр телефон кабелини талон-тарож қилган Жаҳонгир бу "иш" ҳеч қандай қаршиликсиз, ҳамирдан қил суғургандек битганидан ўзида йўқ шод эди. Энди бир гайратига ўн гайрат қўшилиб, Пушкин кўчасидаги 52-а уй ертўласига равона бўлди...

